

Амир Темур меъморий мероси ўрганишга доир айрим мулоҳазалар

Абдуллаев Диёр- тарих факультети талабаси
Илмий раҳбар: ЖДПИ ўқитувчи Муминова Гулчехра

Аннотация

Ушбу мақола Амир Темур қолдирган меросини ўрганишга доир хорижий олимлар асарлари таҳлили этилган.

Калит сўзлар: Амир Темур, Исфаҳон, Шероз, Ҳалаб, Хоразм, Бухоро, Қарши

Дунё тарихида салмоқли ўрин эгаллаб кетган шундай буюк инсонлар борки, улар ҳақида ўнлаб, юзлаб асарлар ёзилса ҳам сўз ниҳоя топмайди. Шундай инсонлардан бири Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон бўлиб, у ҳақида араб, форс, турк, рус, инглиз, ўзбек ва бундан бошқа бир қанча тилларда асарлар ёзилган ва бундан кейин ҳам ёзилади.

Соҳибқирон Амир Темур яшаб ўтгандан буён сал кам етти асрга яқин вакт ўтган бўлса-да, бу улуғ зотнинг ҳаёти ва фаолиятига бўлган қизиқиш кундан-кунга кучайиб бормоқда. Амир Темурнинг дунёқарashi, ҳаёти ва фаолиятини, амалга оширган бунёдкорликларини бор бўй-басти билан англаш учун Турон тарихининг XIII асрдаги манзарасига қайта-қайта назар солишга тўғри келади.

XIII асрнинг биринчи ярми. Мўғул хукмдори Темучин — Чингизхон ўз қўшинлари билан обод Мовароуннаҳрга бостириб кирди, гуллаб-яшнаган шаҳар ва қишлоқларнинг кулини кўкка совурди. Суғориш тармоқлари, экинзорлар, боғлар вайрон қилинди. Бу юртнинг не-не ботирлари ёв билан бўлган жангларда шаҳид бўлдилар. Зиёлилар, хунармандлар, билагида куч-куvvати борларни ёв қул қилиб Мўғулистанга олиб кетди. Мовароуннаҳрдаги давлатчилик, тартиб-қоидалар йўқ қилинди. Масжид, мадрасалар ёндирилиб, муқаддас китоблар мўғул отларининг туёқлари остига ташланди...[3]

Шундай машаққатли оғир даврда Амир Темур бобомизга жафокаш Мовароуннахри қайта тиклаш, бу ерда қудратли давлат барпо қилиш баҳти насиб этди. Тақдир Соҳибқиронга бу улуг юмуш учун бор йўғи 36 йил ажратган эди. Бу йиллар инсоният тарихидаги энг ёрқин мангу олтин 36 саҳифа сифатида абадий муҳрланиб қолди. Темурбек ҳазратлари ўттиз олти йиллик ҳукмдорлик даврида нафақат Мовароуннахр халқининг юрагидан қуллик асоратларини юлиб ташлади, балки унинг қаддини, ғурурини кўтариб, дунёнинг энг илфор, қудратли халқига айлантириди. Бу инсоният тарихида жуда кам содир бўладиган чинакам мўъжиза эди. Хўш, бу мўжизанинг сири нимада? Бу мўжизанинг содир бўлиш жараёни қайси омиллар билан боғлиқ?

Бу саволларга жавоб топмоқ учун қарийб етти аср беридан туриб, Соҳибқирон яшаган даврнинг тарихий манзарасига назар солайлик. 1370 йилнинг 9 апрелида Балх шаҳрида бўлиб ўтган қурултойда Амир Темурга “Подшоҳликка ва давлат бошқаришга лойиқ” зот сифатида юксак эҳтиром ва ишонч билдирилди. Бироқ бундай юксак ишончга сазовор бўлмоқ учун бобомиз ёвқурлигу баҳодирликда, юрт шаънини қандай ҳимоя қилиш борасида кўрсатган қаҳрамонликлар, изчиллик билан олиб борилган курашларнинг ўзи жуда катта синов бўлди. Амир Темур Балхдан, она шаҳри Кешга қайтиб, бу ерда икки ой туриб, узоқ фикр-мулоҳазалардан сўнг Самарқандни салтанат пойтахтига айлантиришга қарор қилди. Соҳибқирон Самарқандга келганида, шаҳарнинг на мудофаа деворлари ва на бирор бир ҳашаматли саройи бор эди. Мўғуллар Самарқанднинг қадимги ўрни — Афросиёбни шу даражада вайрон қилгандиларки, уни тиклашнинг ва бу жойда яшашнинг асло имкони қолмаган эди. Яхшиси бу ҳақда Чингизхон босқинидан сўнг анча вақт ўтгач Самарқандга келган араб сайёҳи Ибн Баттутанинг ёзганларига эътибор берайлик. Сайёҳ ўз кундаликларига:

“Шаҳар аҳолиси сайд қилиб кўнгил очиш учун хуфтон намозидан сўнг йиғилиб дарё бўйига келадилар. Бу ерда улар учун тахтасупалар ва дўконлар ҳозирланган бўлиб, мева-чева ва бошқа таомлар билан савдо қилинади. Дарё қирғоғида шундай улкан саройлар ва бинолар қад кўтариб турарди, улар Самарқанд аҳолисининг юксак маҳорат соҳиби эканлигидан далолат беради. Аммо мазкур бинолар, эндиликда шаҳарнинг аксарият қисмлари каби харобага айланган. Уларнинг деворлари ҳам, дарвозалари ҳам йўқ” — деб ёзган эди. Амир Темур Самарқандга келганида мана шундай аянчли манзарага дуч келганди. [4].

Соҳибқирон ўз олдига қўйган оламшумул режалар ва бунёдкорликларни амалга ошириш учун кучли давлат бошқаруви ҳамда мукаммал қонун-қоидалар, солиқ тизимларини жорий қилиш зарурлигини яхши идрок этарди. Шу сабабли бобомиз ўзидан олдин яшаб ўтган ҳукмдорлар жорий қилган давлатни бошқарув усуллари, қонун-қоидалар, иқтисодий тажрибаларни қунт билан ўрганди. Бошқача айтадиган бўлсак, Амир Темур ўзигача бўлган ўзбек давлатчилигининг икки минг йиллик тажрибасини ўрганиб чиқиб уни такомиллаштириди, янги тартиб-қоидалар билан бойитди, эскирган жиҳатларини бекор қилди.

Соҳибқироннинг бунёдкорлик соҳасидаги тарихий хизматлари бекиёсdir. Тарих бу қўхна дунёда ўтган қўп жаҳонгирларни билади. Уларнинг аксарияти фақат бузган. Амир Темурнинг улардан фарқи шундаки, у умр бўйи бунёдкорлик билан машғул бўлган. Унинг "Қай бир жойдан бир ғишт олсан, ўрнига ўн ғишт қўйдирдим, бир дараҳт кестирсам, ўрнига ўнта кўчат эктиридим" деган сўzlари бунинг ёрқин исботидир. Амир Темурга ҳар бир зафарли воқеа ва севинчли ҳодисани муҳташам меъморлик обидаси барпо этиш билан нишонлаш одат бўлган. Шу мақсадда Ҳиндистон, Шероз, Исфаҳон ва Дамашқнинг машҳур устахунармандлари мамлакатда ҳашамдор

иморату иншоотлар бино қилганлар.[2] Амир Темур забт этган мамлакатларнинг бир қатор шаҳарлари (Бағдод, Дарбанд, Байлақон)ни қайта тиклади. Амир Темур Табризда масжид, Шерозда сарой, Бағдодда Мадраса, Туркистонда машхур шайх Аҳмад Яссавий қабри устига мақбара қурдирган бўлсада, лекин асосий эътиборини она шаҳри Кеш ва пойтахти Самарқандга қаратди. Кешда отасининг қабри устига мақбара, ўғли Жаҳонгирга мақбара билан масжид қурдирди. Амир Темур хукмронлигининг илк даврида Кеш шаҳрини пойтахтга айлантириш ниятида бўлиб, унинг ободончилигига катта аҳамият берди, бу ерда машхур Оқсарой қад кўтарди. Амир Темур Кешни Мовароуннаҳрнинг маданий марказига айлантиришга ҳаракат қилди. Шу боисдан бу шаҳар "Қуббат ул-илм вал-адаб" унвонига эга бўлди. Салтанат пойтахти Самарқанд Амир Темур даврида айниқса гуллаб яшнади. Шаҳарда Исфаҳон, Шероз, Ҳалаб, Хоразм, Бухоро, Қарши ва Кеш шаҳарларининг меъмору бинокорлари қўли билан саройлар, масжидлар, мадрасалар, мақбаралар қурилади. Шаҳар ташқарисида эса боғ-роғлар ва бўстонлар барпо этилади[1]. Хусусан, Шоҳизинда меъморий мажмуасига мансуб Шодимулк оғо мақбараси, Ширинбека оғо мақбараси ва бошқалар қурилади. Шаҳарда Бибихоним жоме масжиди, Амир Темурнинг қароргоҳи Кўксарой ва Бўстонсаройлар қад кўтаради. Умуман олганда Самарқанд шаҳри Амир Темур даврида ўзининг қадимий ўрни Афросиёбдан бирмунча жануброқда бутунлай янгитдан қурилди. Шаҳар тевараги мустаҳкам қалъа девори билан ўралиб, Оҳанин, Шайхзода, Чорсу, Коризгоҳ, Сўзангарон ва Феруза каби номлар билан аталувчи 6 та дарвоза ўрнатилди. Мовароуннаҳрнинг дехқончилик воҳаларида, хусусан Зарафшон водийсида ўнлаб суғориш тармоқлари чиқарилиб, дехқончилик майдонлари кенгайтирилди. Янги қишлоқлар барпо этилди. Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Амир Темур Самарқанд атрофида қад кўтарган бир қанча янги қишлоқларни Шарқнинг

машхур шаҳарлари Димишқ (Дамашк), Миср, Бағдод, Султония ва Шероз номлари билан атади. Амир Темурнинг фикрича, Самарқанд катталиги, гўзаллиги ҳамда теварак-атрофининг обод этилганлиги жиҳатидан дунёдаги энг йирик шаҳарлардан ҳам устунроқ турмоғи лозим эди.[5]

XIV — XV асрларда Самарқандда ва Темурийлар бошқарган бошқа шаҳарларда ўз даврининг моҳир мусаввирлари томонидан яратилган миниатюра санъати намуналари бугунги кунда ҳам ўз жилосини йўқотмай барчани лол қолдириб келмоқда.

Соҳибқирон бобомиз Темурийлар даврида энг ривожланган соҳа — бу илм-фандир. Темурийлар даврида юксак чўққига чиққан илм-фанимиз ютуқларидан инсоният то бугунги кунгача баҳраманд бўлиб келмоқда. XIV — XVI асрларда Марказий Осиё, Эрон, Хурросон, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларда илм-фанинг гуркираб ривожланиши ҳам, шубҳасиз, Амир Темур фаолияти билан боғлиқ. Соҳибқирон Мовароуннаҳрда илм-фан кишилари учун қулай шарт-шароитлар ҳамда илмий муҳит яратганлиги туфайли илм-фан гуркираб ривожланди. Шу сабабли дунёнинг турли томонларидан илм-фан излаганлар пойтахт Самарқандга кела бошлаганлар. Бу даврда, айниқса, тарихшунослик, астрономия, математика, геодезия, кимё, география, мантиқ, илоҳиёт, тиббиёт, диншунослик, ҳадисшунослик каби илмлар ниҳоятда ривожланди.

Маълумки, аждодларимиз бундан уч минг йиллар илгари ҳозирги замонавий илм-фанинг пойдеворини қўйишишган. Археологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, илм-фан дастлаб ибодатхоналарда ва ҳукмдорларнинг саройларида шаклланган. Ибодатхоналарнинг хизматчилари ва коҳинлар диний маросимларни мукаммал, ўз вақтида ўтказиш учун астрономия, илоҳиёт, фалсафа ва мусиқани яхши билганлар. Оташпарастларнинг муқаддас китоби “Авесто” бундан 2700 йиллар илгари аждодларимиз

томонидан яратилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди. “Авесто” диний-фалсафий асаргина бўлмай, унда астрономия, тиббиёт, биология, экологияга оид муҳим маълумотлар ҳам жамланган. Мовароуннахрда VIII асрда юз берган араблар истилоси туфайли илм-фан бирмунча сусайган бўлса-да аждодларимиз қисқа вақтда ўзларини ўнглаб олдилар ва IX асрлардан бошлаб ислом дини диний таълимот сифатида шаклланишига улкан ҳисса қўшди.

Амир Темур Мовароуннахр ҳукмдори бўлган даврда илм-фан аҳллари учун барча имкониятларни яратиб, Мовароуннахрнинг бир неча асрлик илм-фанини қайта тиклашга ва яна бир неча аср унинг гуркираб ривожланиши учун раҳномалик қилди.

150 йил давомида мўғуллар истибододидан эзилган Турон халқлари қонида яшаб келаётган, босқинчилар истибоди оқибатида ухлаб, мудраб қолган яратувчилик, бунёдкорлик ирсиятини уйготди. Нафақат уйготди, унга янгича нафас ва жон бағишлаб, юксак чўққиларга олиб чиқди.

Бунинг натижасида, дунёдаги энг нодир ҳодиса — Темурийлар Ренессанси содир бўлди. Албатта, бу Ренессансга Амир Темур салтанати пойтахти Самарқанд бешик бўлди. Бу даврда Самарқанд улкан ижодий ва илмий лабораторияга ўхшарди. Илгор ғоялар, фикрлар, кашфиётлар бу шаҳарда пайдо бўлар, сўнгра амалиётга айланиб, пишиб етилиб, худди қуёшнинг заррин нурлари каби оламнинг турли томонларига тарқалиб кетарди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Бердимуродов А. Асрларни бўйлаган бунёдкорлик. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 2015 йил 14-сон
2. Ибн Арабшоҳ, Ажоиб ал-мақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ажойиботлари), Т, 1992;
3. Низомиддин Шомий, Зафарнома, Т, 1996;
4. Р. Шамсiddинов. Ватан тарихи . Тошкент. 1993
5. Бердимуродов А. Амир Темурнинг Самарқанддаги боғлари. “Туркистон” 1992 йил 21 ноябр